

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф. Раҳабов «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин ҳужжат моддама-модда муҳокама қилинди, муҳокама давомиде барча сийосий партиялар фракцияларининг вакиллари мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқлари, эришчилари ва қонуний манфаатларига таъсир қилувчи бўлган ҳужжатнинг олдидеги муҳим пункт ҳақиқат баъзи яратилиш бўлган таъкидланди. Қонун лойиҳасининг асосий нормаларини таъкидлаштиришга қаратилган тақдир қилинди. Билдирилган фуқаролар ҳисобига олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди ва масъул қўмитага уни учинчи ўқишда қабул қилиш учун маромига етказишни топширди.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари С. Жаббаров тақдим этди. Ҳужжатни тақдимлаштириш юзасидеги тақдир қилинди. Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси

С. Абдуллаевнинг маърузаси юзасидеги депутатлар «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини қўриб чиқилди. Мухокама давомиде қиритилган тақдирларни айтишда ҳамда муҳокама қилиб, депутатлар ҳужжатни маълум қўмиталар ва Қонунчи қабул қилди.

«Болалик меҳнатининг оғир шакллари»ни тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шашинин чоралар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини депутатлар қўриб чиқди. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Г. Аннақичева тақдим этди. Савол-жавоблар ва келиб тушган тақдирларнинг батафсил муҳокамасидан кейин Қонунчилик палатаси Қонунчи қабул қилди.

«Миллий музей фонди ва музейлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси О. Исоев маъруза қилди. Депутатлар ҳужжатни муҳокама қилиш чоғиде келиб тушган тақдирларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қисмларини маълум қилди, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

(Ў.А.)

ҚОНУН ИЖРОСИ ЎРГАНИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сайёр мажлисида бу соҳадаги мавжуд камчиликларнинг сабаблари ҳам таҳлил этилди. Хусусан, ҳокимликларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини рўйхатда олиш масалаларига ва тегишли иш юритиш талаб даражасида олиб борилишига етарлича эътибор берилмаётган. Фуқаролар йиғинларининг базисларида бухгалтерия ҳисобини юритиш қонун ҳужжатлари талабларига жавоб бермайди, уларнинг балансидаги биналар капитал таъмирга, мебель ва ускуналар эса янгилашга муҳтож, ҳудудларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар ҳам ўтказилмади, маҳалла гузарлари барпо этиш ишлари олиб борилмаётган.

Сенаторлар муҳокама асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ихро этиш механизмининг янада такомиллаштириш, фуқаролар йиғинларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, адлия, соғлиқни сақлаш ва таълим идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимлари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлиmlари билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш юзасидан қонун тақдирлар билдирилди.

Муҳокама якулиари асосида тегишли қарор қабул қилинди. Тадбирлар сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари, туман ҳокимларининг ўринбосарлари — хотин-қизлар қўмиталарининг раислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, адлия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, диний муассасалар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

(Ў.А.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

тушган даромад 75,8 миллиард АҚШ долларига ёки ЯИМнинг қарийб 40 фоизига тенг бўлди.

Аҳоли жон бошига нисбатан ялли ички маҳсулот кўрсаткичи бўйича (2007 йилда 29,7 миң долларни ташкил этди) БАА жаҳондаги энг бой мамлакатлар сарфиде олдинги ўринлардан бирини эгаллади.

БААда нефть ва газ соҳасидан ташқари, алюминий, металлургия, тўқимачилик, мебель ва саноатнинг бошқа тармоқлари ҳам ривожланган.

Давлат раҳбарияти мамлакат иқтисодига хорижий сармояларни жалб этишга қаратилган улкан саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

БААда 15 та эркин иқтисодий ҳудуд ташкил этилган. Уларнинг аксарияти ахборот технологиялари, олтин ва зарғарлик буюмлари, фармацевтика каби муайян соҳаларга иқтисодлаштирилган.

БАА ташқи савдо айланмаси 2007 йилда 228,6 миллиард долларни ташкил этди. Нефть экспорти ва хорижга капитал кўйилмаларидан олинётган даромад соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой қурилиши, шаҳарсозлик соҳаларини ривожлантиришга сезиларли микдорда маблағлар ажратилган имкон яратмоқда.

Туркидан келатган фойда ялли ички маҳсулотнинг 22 фоизини ташкил этди. Яқин Шарқ мамлакатлари орасида БАА сайёҳлик соҳасининг миллий тараққиётга қўшаётган ҳиссаси жиҳатидан биринчи ўринни эгаллайди.

БАА ташқи сийбаси асосий тамоийиллари бу яқин қўшничилик ва жаҳон мамлакатлари билан ўзаро турмуш ҳақида уларнинг ички ишларига аралашмасликка асосланган ўз муносабатларини шакллантиришга интилишдир.



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Валгиннинг университетининг иқлим ўзгаришлари бўйича маркази раҳбари (Нидерландия), профессор **Вим Кофмо** ушбу конференция Орол муаммосини ҳар томонлама ҳал этиш йўлидаги ilk жиддий қадам бўлганини таъкидлади.

Қорақалпоғистонда кўрганларим менда ўчмас таассурот қолдирди. Бу жилдаги муаммоларни биргина давлатнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳал этиш мумкин эмас. Бундай шартда мумкин ечимини олға сурвиши ва барча манфаатдор томонлар ҳаракатларини мувофиқлаштириш «локомотив» зарурлигига амин бўлдим. Айни пайтда ушбу муҳим вазифани Ўзбекистон бажа-

раётганга ишонч ҳосил қилдим, — деди В. Кофмо.

Россия Фанлар академияси Сув муаммолари институти лаборатория мудири **М. Болговнин** қайд этишича, Президент Ислам Каримов томонидан ифода этилган Ўзбекистон нузари ҳар томонлама асосли ва қонунийдир. Шу муносабат билан минтақадаги трансгранивий дарёлар сув захиралиридан оқилона фойдаланиш масалалари алоҳида долзарблик касб этди. Бу муаммо ҳозирча қўшни давлатлар билан трансгранивий сув оқимлари борасидаги муносабатларини ҳал этмаган Россия ва Қозғистонга ҳам тегишлидир.

ГФР Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш вазирлигининг Марказий Осиё

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида 1992 йил 25 октябрда дипломатия муносабатлари ўрнатилган эди. Шу йили ноябрда оидеги юртимизнинг Дубай шаҳридаги консулхонаси очилди, унга 1994 йилда Бош консулхона мақоми берилди.

Ўз навбатида, 2006 йилнинг январь ойидан БААнинг Ўзбекистон Республикасидаги Бош консулхонаси иш бошлади.

Президент Ислам Каримов қарорига мувофиқ, Абу-Даби шаҳрида 2007 йилдан бошлаб мамлакатимиз элчихонаси фаолият кўрсатмоқда.

2007 йилда икки томонлама алоқаларда фаоллашув жараёни кузатилади. Ўзбекистонда БААнинг бир қатор юқори мартабали делегациялари меҳмон бўлди.

Утган йили 26 октябрда Дубай амирлиги ҳокими, шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг ортимига расмий ташрифи амалга оширилди.

Ўзбек-араб иқтисодий ҳамкорлик марказини қўриб чиқилди. Унинг асосий мақсади — Ўзбекистон ва Араб Амирликлари билан муносабатларни ривожлантиришга қатъий эътибор билан қарашини таъкидлади. Томонларнинг қўллаб-қувватлаш сийбаси масалалар юзасидан қарашлари яқин бўлиб, иқтисодий алоқалар кўлами эса изчиллик билан кенгайтириб бормоқда.

Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, бош вазир, Дубай амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг Тошкентдаги ташрифи яқинлари бўйича томонлар ўртасида Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва химоя қилиш, Даромад-

ларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартаф қилиш тўғрисидаги битимлар, шунингдек, икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сийбаси масалаларга оид ағлашув меморандуми имзоланди.

2007 йил 5 ноябрда Бирлашган Араб Амирликлари ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зайд Ол Наҳаён ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Меҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари БМТ, Ислам Конференцияси ташкилоти ва бошқа нуфузли ташкилотлар доира-сида кенг қўламадаги халқаро ва минтақавий масалаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бирлашган Араб Амирликларида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон маънавий юксалиши йўлида» номи қилоти чоп этилган. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги сийбаси ва маънавий алоқалар, ўзаро ҳурмат ва ишончнинг ёрқин тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари савдо ва иқтисодий ҳамкорлиги изчиллик билан ривожланиб бормоқда. 2007 йилда икки давлат ўртасидаги товар айланмаси ҳажми 93,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Юртимиз БААга пахта толаси, рангли металлур, ипақ, матолар, сабзавотларини экспорт қилади ҳамда ҳаво транспорти билан юк ва йўловчилар-

ни ташийди. Ушбу мамлакатдан эса резина ва каучук, кийим-кечаклар, маийшй электр ускуналари, қурилиш материаллари, мебель ва транспорт воситалари келтирилади.

Ўзбекистонда Бирлашган Араб Амирликлари инвестицияси иштирокида таъсис этилган 68 корхона фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 31 таси мазкур давлатнинг 100 фоизлик сармояси ҳисобига ташкил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Бирлашган Араб Амирликларининг 17 компанияси акциядорлиги қилинган. БААдан юртимиз иқтисодига жалб этилган сармояларнинг умумий ҳажми 31,5 миллион доллардан зиёддир.

2007 йил 3-5 июль кунлари Тошкентда ўтказилган Араб миллий ва минтақавий ривожланиш институтлари мувофиқлаштириш гуруҳи қўшма мажлисида Абу-Даби тараққиёт ҳам-ғармаси вакиллари ҳам иштирок этди. Араб мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари билан ҳамкорлик дастуриде соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва коммунал соҳа инфра-мувоҳиласини ривожлантириш, ёрнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва бошқа муҳим жабҳаларда умумий қўлла-мати қарийб 800 миллион АҚШ доллари микдориде сармоя жалб қилина-диган 17 та устувор инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

1992 йилдан буён мамлакатларимиз ўртасида мунтазам ҳамда қатъий йўлга қўйилган ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан «Тошкент — Шаржа — Тош-

кент» йўналиши бўйлаб парвозлар амалга оширилмоқда. 2008 йил 7 мартда эса «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг пойтахтимизни БААнинг сайёҳлик маркази бўлган Дубай шаҳри билан бeлговчи йўналишида биринчи авиарейси амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти 1995 йилдан буён Жумла ал-Можидий номидаги Дубай маданият маркази билан қадимий қўлзма асарларни ўрганиш борасида яқиндан ҳам-корлик қилиб келмоқда. Икки мамла-кат ўртасида таълим, юқори техноло-гиялар, тиббиёт ва бошқа соҳаларда-даги алоқалар фаол равишда кенга-йиб бораётти.

БААнинг ташқи ишлар вазирлиги, илмий диоралар ва оммавий ахборот воситалари юқори мартабали вакил-ларидан иборат делегацияси ISECO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислам маданияти пойтахти, деб эълон қилинганга бағишлаб шу йили 14-15 август кунлари юртимизда ўтказилган «Ўзбекистоннинг ислом цивили-зацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Бирлашган Араб Амирликларига бўлажак расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар ривожиде алоҳида аҳамият касб этди ҳамда Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги сийбаси, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳадаги ҳам-корлики сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга ҳисса қўшади.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА шарҳловчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сурхондарё вилоятида ҳам аёлларни соғломлаштириш, миллий спорт турларига қизларнинг қизиқини ошириб, ёшларнинг дарсдан бўш вақт-

СОҒЛОМ АЁЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД БУЎЎДҚОРИ

ларини мазмуни ўтказиш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 13 туманда спортнинг нафис тури — бадминистика тўра қўрақлари фаолият юритмоқда. Уларга 34 миң кўч азво. Воҳодаги 17 та «Барчин-01» клубида қизлар миллий кураш сирларини кўнг билан ўрганаётган. Утган йили Синхрон сузиш федерациясининг вилоят бўлими ташкил этилди.

Анжуманда шулар хусусида сўз юритилиб, аёллар ўртасида спортни янада оммаллаштириш юзасидан дўр келинаётган муаммолар атрофида муҳокама этилди. Тадбир иштирокчилари Термиз давлат университетини, Термиз олимпия заҳиралари ҳамда Термиз тиббиёт коллежларида қизларни кўл тути, баскетбол, бадминистика, стол теннис ва синхрон сузиш каби спорт турларига жалб этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

Сўнг Термиз шаҳрида фойдаланишга топширилган Аёллар саломатлик ва гузаллик марказида бўлдилар.

Замонавий усулда барпо этилган марказда аёллар саломатлигини тиклаш, уларнинг касб ўрганиши, спортнинг бир неча турлари билан шуғулланиши учун барча қўлайликлар яратилган. Тикувчилик, компьютер саводхонлиги, тиббий ва спорт маъшулотларини ўтказиш навалари зарур анжомлар билан жиҳозланган.

Мақсадимиз хотин-қизларнинг бўш вақтларини мазмуни ўтказишга қўмаклашиб, уларнинг соғлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишдан иборат, — дейди марказ раҳбари Мавлуда Жовлиева. — Бу ерда малкали тиббиёт ходимлари, спорт мураббийлари опа-сингилларимизга беминнат хизмат кўрсатади.

Тадибрда Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова сўзга чиқди.

Х. МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА муҳбири.

ОРОЛ МУАММОСИНИ ФАҚАТ УМУМИЙ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ МУМКИН

мамлакатлари билан ҳамкорлик бошқармаси бош-лиги **Р. Балдуз** Ўзбекистон томонининг Орол денгизи экологик ҳалокати оқибатларини қаматириш имкониятларини борасидаги фикрини қўриб-қувватлади. «Мазкур конференциянинг етакчи халқаро ташкилотлар, эксперт-лари ва Марказий Осиё минтақасидаги барча давлатлар вакиллари иштирокида ўтказилиши юртимиз раҳбариятининг Орол муаммосини ҳал этиш йўлирини излашдаги сийбаси йироқидан даллат беради», деди у.

Осиёнинг университетини (Германия) профессори **Хельмут Лиет** Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов ўз-мақтубида Амударё ва Сирдарёдан биргаликда масъулият билан ва умумий фойдаланиш зарурлигини қайд этганини таъкидлади. Унинг фикрича, ушбу дарёларнинг сув ресурсларини беш суверен давлат ўртасида тақсимлаш халқаро ва ҳуқуқий жиҳатдан барқарор битимни ишлаб

чиқишни тақозо этди. «Бу Президент нутқида аниқ ва равшан ифода этилган. Мен унда ўз ифодаси топан баёнотларга тўла қўйилмади. Буни Ислам Каримов маърузасида айтиб ўтилган барча халқаро институтлар ҳам талаб этмоқда».

Шанхай иқтисодий фанлар академиясининг Россия тадқиқотлари маркази директори **Пан Давейинг** таъкидлашча, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ёндашув ва ҳамкорликнинг мувофиқлаштири-

лиши минтақада сув ва энергетика муаммосини ҳал этишнинг зарур шартин ҳисобланади. Президент Ислам Каримов томонидан билдирилган трансгранивий дарёларда амалга оширилаётган лойиҳаларда Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари манфаатлари ҳам эътиборга олинмиши лозимлиги ҳақидаги Ўзбекистон нуктаи назари шу маънода конструктивдир. Бу ерда сув захиралиридан фойдаланишнинг илмий жиҳатдан асосланган ва тежамкор тизими талаб этилмоқда.

«Жаҳон» АА.

Истеъмол бозори хилма-хил маҳсулотларга тўлиб боргани сайин кишиларнинг ҳам онги усиб, дунёқараш ўзгариб бормоқда. Кечатгина ҳавас қилиб юрган кийимимиз бугун дидимизга тўғри келмай қоляпти. Шу боис 10 йилга еттулик этикни жамғариб қўйиш ҳолати ҳам, юмшоқроқ айтганда, кишига эриш туюлади. Агар гап бирин-бир шахс ҳақида бўлганида, «Сарфини билмаган» — ҳамёндин айриллар» деганларидек, қўл силтаб кетавериш, бу мавзуну қаламга олиш ҳам шарт эмас эди. Лекин гап ун ва юз миллионлаб сўм маблағ билан иш кўрадиган, вилоят миқёсидаги корхона ҳақида бораётган бўлса-чи?

ЎН ЙИЛЛИК... ЭТИК ЗАҲИРАСИ

Ҳудди шу сабабдан ҳам, юқорида баён қилинган ва бошқа шу каби «ғалати» ҳолатларга жиддий ёндашиб, ҳуқуқий баҳо бериш қанчалар зарур эканлиги аён бўлди. Сабаб, Молия вазирлиги ҳузуридаги республика йўл жамғармаси (РЙЖ) маблағларидан фойдаланишнинг аҳоли «Наманган-автотўй» йўл қурилиш ҳудудий шўъба ташкилоти (ЙКШТ) ва унинг қўйи тизимидеги корхоналарда текшириб чиқилганда, анчанин ноҳуш ҳолатларга дуч келинди. Текширишлар жараёнида РЙЖдан ажратилган маблағларни ўлаштириш, мақсадсиз сарфлаш ва бажарилган ишларга қўйиб ёзиш орқали давлатга 1 миллиард 162 миллион сўмлик иқтисодий зарар етказилганини аниқланди.

Бир қатор назорат муассасаларининг мутахассислари томонидан ўтказилган текширув якуналарига қўра, вилоят прокуратура идоралари томонидан 79 нафар мансабдор ва моддий масъул шахсга нисбатан Жиноят кодексининг ўлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тороҳ қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиестемол қилиш, мансаб сохтакорлиги, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, ўз вази-фисига совуққонлик билан ёндашиш каби жиноятлар кўзда тутилган мод-даларнинг турли қисмлари ва банд-лари бўйича кенг қамровли тергов ҳаракатлари жараёнида 49 нафар шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, амнистия қўйилди. Қолган 30 нафар айбланувчига нисбатан қиритилган жи-ноят ишлари Наманган шаҳар, Минг-булок, Уйчи ва Поп туманлари су-лариде қўриб чиқилди. Иш жараёнида судланувчилар, фуқаровий давгогар-лар, гувоҳлар ва бошқа иштирокчи-ларнинг кўрсатмалари батафсил тинг-

лашиб, жиноят ишлари материаллари таҳлил этилди. Жиноят ишлари материалларида ҳужжатлаштирилган қонунбузарлик ҳолатлари ўз тасдиқини топди.

Хусусан, Мингбулок тумани йўл ҳўжжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси (ЙХПТФК — бош-лиги Маҳмуджон Қазақов) томонидан, туман «Дехон бозори» МҲЖ раис Х. Бокиев тақлифига мувофиқ, 2005 йил май-август ойларида ўша вақтда нархи 2,4 миллион 136 миң 228 сўмлик 244,5 тонна асфальт қоримасини ётқизилиб, жами ўн миллион 815 миң 321 сўмлик иш бажарилган. Лекин бу бажарилган иш ҳажми корхонанинг тегишли техник, молиявий ҳисоботларида кўрсатилмаган. Турган гапки, бажарилган иш учун тўланиши зарур бўлган қарийб тўрт миллион сўм маблағ ҳам корхонанинг ҳисоб рақамига келиб тушмаган. Лекин бу — иш тамоилига те-кинга бажарилди, дегани эмас. Чунки М. Қазақов ўша вақтдаёқ бозор мамуриятдан 650 миң сўм нақд пулни олиб, уни шахсий манфаати йўлида ишлабти боборган эди.

Бундан ташқари, М. Қазақов масъул лавозимда ишлаб турган бўлиш-ига қарамай, қўл остида ишловчи корхона омборчисини Н. Исомиддиновга қонуний топшириқ бериб, 2005 йил 9 март кунги 23-сонли ишончномага асосан, «Реалсавдосервис» фирмасидан 145 миң сўмлик, 21 март кунги 31-сонли ишончнома билан «Лопа ифори» фирмасидан бир миллион 180 миң сўмлик, 2006 йил апрель ойида 55-сонли ишончнома билан «Таминотекст» фирмасидан икки миллион 401 миң сўмлик ва шу усул билан бошқалардан ҳам жами беш миллион 11 миң сўмлик товар-моддий бойликлар ҳақиқатда олиб келинмаган бўлишига қарамай, «олиб келинди» дея сохта ҳужжатлар расмийлаштириш орқали юқоридаги маблағ талон-тороҳ қилинган.

Шу билан бирга, М. Қазақов мансаб ваколатини суиестемол қилган ҳолда, корхона учун бевосита ажратиб берилган қондан қум ва шугал қазиб олиш ўрнига бутунлай бошқа қазиб олиб, ишлаб чиқаришга сарфлаб юборган. 2004-2006 йиллар мо-байнида ер усти ва ер ости табиий бойликларини асраш бўйича қонун-чиликни қўп равишда бузиб, давлат «Контекхазирлик» инспекциясининг рухсатисиз амалга оширилган бу иш тўғрисида табиатга жиддий зиён етказилган.

Судланувчи **Нязматжон Зиятов** эса 2004-2005 йилларда Уйчи тумани ЙХПТФК иш юритувчи лавозимиде ишлаб юрганида «Наманган — Янгйўрғон — Қалиш» автомобиль йўлининг 5-9-километр-ларида бажарилган ишлар сме-таси бўйича йўл қўриш учун жами 11 миң 940 тонна қўм-шугал аралаш-маси (баландлиги 30 см.), бир миң 645 тонна чакч тошдан (асос баланд-лиги 6 см.) сарфланми зарур бўлса-да, ишларни бажаришда лойиҳага амал қилмаган. Қўм-шугал аралаш-масининг асос баландлигини 22 см., чакч тош қатламнинг бўйини эса 4 см. қаматирилган. Натихада ўша вақт-даги нархи 6 миллион 153 миң 515 сўм бўлган 3325 тонна қўм-шугал аралашмаси, 2 миллион 165 миң 52 сўм турадиган чакч тош ҳақиқатдан ҳам йўл қурилишига сарфлангани ҳақидаги сохта ҳужжатларни расмий-лаштириб, жами иш ҳажмига қўйиб ёзилгани оқибатида биргина шу ҳолатнинг ўзида РЙЖ маблағлари-дан саккиз миллион 318 миң 567 сўм талон-тороҳ этилган.

«Наманганавтотўй» ЙКШТга қарашли Наманган автомобиль йўлларидан фойдаланиш корхонаси иш юритувч

ЖАҲОН 24 соат ичида

Баҳорда ёққан қор

Тинимсиз ёғатган қор Канаданинг Морин-Хайтс шаҳри аҳолисини қийин аҳволга солиб қўйди.

надонлар томини босиб қолган. Шаҳардаги магазинлардан бири эса бутунлай вайронга айланди.

Айни пайтда полиция вакиллари қор тагида қолган одамларни қутқармоқда.

“Франс-пресс” ахборот агентлиги хабариди айтилишича, қалн қор кўпчилик хо-

Рекорд яна янгиланди

Нью-Йорк савдо биржасида нефтининг бир баррели 110 долларга етди.

Апрель ойида нефть нархи янада кўтарилиши кутилаётир. Мутахассислар буни долларнинг қадрсизланиши билан боғлашмоқда.

Шу йил 12 март санасига кўра, бир евро 1,55 долларга тенг бўлди.

Сайлов куни белгиланди

Сербия Президенти Борис Тадич мамлакат парламентини тарқатиб юбориш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

Мамлакатда навбатдан ташқари парламент сайловлари жорий йилнинг 11 майга белгиланди. “АФР” хабариди айтилишича, икки кун аввал Сербия бош вазири Воислав Коштуница ишдан кетиш ва ҳукуматни тарқатиб юбориш ҳақидаги аризага имзо чекқанди.

Гонконгда оммавий грипп

Гонконгда грипп касаллигининг тарқалиши оммавий тус олди.

“ИТАР-ТАСС” хабарига кўра, бу дардан мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари ва боғча тарбияланувчилари жиддий азият чекишмоқда. Айни пайтда, ҳукумат боғча ва мактабларни ёпиб, карантин эълон қилган.

Хозирда экспертлар оммавий гриппни бартараф этиш устида бош қотирмоқдалар.

Хоржи матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 12 январдаги 11-0716/163-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгийўл тумани, «Гулбахор» кишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган; умумий ер майдони 0,5 гектар бўлган қозонхона бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 36 897 000 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 15 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Кўчмас мулк билан туман суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танилиши мумкин.

Аукцион савдосига иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Собир Рахимов филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлаш шарт: 20210000700571452105; МФО 00901, ИНН 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Рахимов тумани, М. Урозовов кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: 228-79-52, www.rkmb.uz

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига:

- Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 9 мартдаги 1408-сонли ижро варақасига асосан, Суд департаментининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган «Туямўйинсувқурилиш» ОАЖнинг Питнак шаҳар Туямўйин КМШКга қарашли ва ушбу қорхонада сакланган қуйидаги техникалар қўйилади:
 - «КБГС-450» русумли, 1980 йилда ишлаб чиқарилган минорали кран.
 - Бошланғич баҳоси — 75 372 120 сўм.
 - «КБГС-450» русумли, 1973 йил ишлаб чиқарилган минорали кран.
 - Бошланғич баҳоси — 72 022 225 сўм.
- Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 20 августдаги 1/415/2007-сонли ижро варақасига асосан, Урганч тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан

хатланган, «Қорабай» фермер хўжалигига қарашли бўлган, Урганч тумани, Беговот кишлоғида жойлашган, қурилиш ости ер майдони — 2394,16 кв. метрни ташкил қилган чорва фермаси бино ва иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 77 948 096 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 25 март куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулклар билан суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танилиши мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун хариддорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади.

Савдода иштирок этиш учун мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати санаси ва рақамини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг Хоразм вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: АТИБ «Ипотекабанк»нинг «Тинчлик» филиали МФО 00580, х/р 20210000700571452056, ИНН 200933850.

Ушбу мазмундаги хабарнома «Хорезмская правда» газетасининг 2008 йил 8 мартдаги 20-сонидида чоп этилган.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй. Телефонлар: 226-32-63, факс: 226-43-64.

РАУНЕТ

Ҳаётимизга «тўлов тизими», «реал вақт тизимида», «тўлов қабул қилиш шохобчалари» деган иборалар кириб келди. Сўз яқинда Ўзбекистон бозориди пайдо бўлган РАУНЕТ компанияси ҳақида бориқда. РАУНЕТ компанияси орқали ҳозирги кунда уяли алоқа, интернет, IP-телефония, маиший хизмат (электр энергия учун) ҳамда шаҳар телефонига тўловлар қабул қилинмоқда. Ушбу қорхона фаолиятига доир бир қанча савдоларга ташкилотнинг жамоатчилик билан ишлаш мутахассиси Пётр Тен билан суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Коммунал хизмат, хусусан, электр энергия учун тўловлар қандай амалга оширилади?

— Ҳозирги кунда Тошкент шаҳри абонентларидан электр энергия тўловларини қабул қилиш амалга оширилади. Электр энергия Ававал электр энергияга тўлов қандай қабул қилинган эди? Микозлар мақсуд қилганига варақларига электр хисоблагич қўрсатмаларини ёзиб олишлари, қўрсатма ҳолатларидан келиб чиқиб, керакли хисоб-китоб орқали қардорлик ҳажмини аниқлашлари ва пул тўлаш учун кассасига боришлари талаб этилар эди.

РАУНЕТ тизимида тўлов жараёни микоз учун бирмунча соддаштирилган тарзда амалга оширилади. Электр энергия абоненти тўловни ўтказиш учун фақатгина ўз ID (идентификацион) картасини кўрсатиши kifosа қилиниб, тизимдан фойдаланган ҳолда қардорлик ҳолатини билиб олиши ва исталган миқорда тўлов ўтказиши мумкин. Абонентдан эса РАУНЕТ шохобчасидан ID (идентификацион) картасини олиб тизимдан рўйхатдан ўтказиб қўйиши талаб этилади.

Рўйхатдан ўтказиш фақат бир марта тўлов тизимидан фойдаланиш аввалида амалга оширилади ҳолс. Рўйхатдан ўтиш жараёнида электр энергия абоненти электр тармоқлари қорхонасида белгиланган шахсий ҳисоб рақамини билиши зарур, чунки берилган ID карта рақами абонентнинг электр тармоқлари қорхонасидаги шахсий ҳисоб рақамига бириктириб қўйилади. Шахсий ҳисоб рақами ҳар бир абонент учун электр тармоқлари қорхонасида берилган абонентлик дафтрасининг ҳар бир варақиди муҳрланган бўлади, шунинг учун ушбу дафтрасининг бир варақини РАУНЕТ шохобчасига олиб келиб ўз ID карталарига эга бўлишлари ва уни РАУНЕТ тизимида рўйхатдан ўтказиб олишлари мумкин. Рўйхатдан ўтказиш жараёни сўнггида абонент учун унинг исм-шарифи, электр тармоқ қорхонасидаги шахсий рақами ва ID картаси рақами кўрсатилган маълумот чеки чиқарилади. Яъни, абонент керакли маълумотларни тўлов ўтказиш ишларини бошламай туриб текшириб олиши мумкин.

Рўйхатдан ўтган ID карта абонентини хисоблаиб, РАУНЕТ шохобчалари орқали абонентлар учун бепул тарқатилади. ID картага пул қўйилмайди ва улар абонентни РАУНЕТ тизимида аниқлаб олиш учунгина ишлатилади. Ушбу ID карта орқали абонент сўралган вақт ҳолати учун қардорлик суммасини аниқлаши ва тўлов миқдорини амалга ошириши мумкин. Тўловни амалга ошириш учун абонент тўлаётган пул миқдори ва ўз ID картасини исталган РАУНЕТ пунктида шохоба ҳолатига тақдим этади.

Бошқа маиший хизмат турлари учун тўлов амалга ошириладиган бўлса, худди шундай тартиб қўллинади. РАУНЕТ тизимининг ID картаси бор абонентлар эса янги ID карта олиб ўтиримай, ўз карталарини янги қўшилган коммунал хизмат тури учун юқорида айтиб ўтилган тартибда рўйхатдан ўтказиб қўйишлари kifosа.

— Вилоятлардаги РАУНЕТ фаолияти ҳақида маълумот беришингиз?

— Ҳозирги кунда барча вилоят ва туманларда РАУНЕТ шохобчалари мавжуд бўлиб, уларнинг сони 7000 дан кўпроқни ташкил этади. Эътиборли тарфи, барча РАУНЕТ шохобчалари реал вақт тизимида фаолият қўрсатади.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида киритилган хизматлар сонини барча вилоятларда татиб этиш мўлжалланмоқда. Шаҳар телефон тармоғи ва электр энергияси учун тўловларни қабул қилиш хизматлари мўлжал қилинган хизматлар жумласига кирлади. Биз микозлар қаерда бўлишидан қатъи назар, тўловни амалга ошириш қўлай бўлиши учун ҳаракат қилимоқдамиз.

— Қандай қилиб РАУНЕТ агенти бўлиш мумкин ва қандай талаблар мавжуд?

— РАУНЕТ агенти бўлиш талаблари қисқача айтганда юридик ва техник жиҳатларга бўлинади. Юридик тарафдан шартнома тузиш учун керак бўладиган тегишли ҳужжатлар компанияга тақдим этилиши керак. Бу ҳужжатлар ҳар бир тадбиркорда бўлиши лозим бўлган паспорт, фаолият тури кўрсатилган гувоҳнома каби ҳужжатлар.

Техник тарафдан тизимимизга уланishi учун Интернет ёки GPRS орқали ишлаш тури танланиши лозим. Танланган уланishi турига қараб керакли жиҳозлар аниқлаб олинади, бу Интернет линияси ва компьютер ёки GPRS алоқа тизими орқали ишлайдиган мақсуд терминал ёки уяли алоқа телефони бўлиши мумкин.

Юридик шартнома шартнома тузиш учун Тошкент шаҳрига келишлари шарт эмас. Ҳозирги кунда деярли барча вилоятларда худудий вакилларимиз мавжуд бўлиб, уларда ҳам шартнома тузиш ваколати мавжуд.

— РАУНЕТ тизими томонидан микозга бериладиган чекда 2% агент ҳисобига ўтиши ҳақида маълумот кўрсатилган, аммо бундан ташқари агентлар қўшимча устама ҳақ олишади. Бунга уларнинг ҳақи борми? Агар йўқ бўлса бунга қарши қандай чоралар қўрилади?

— Микоз ҳисобидан уяли алоқа тўловларини учун 2%, шаҳар телефонини учун тўловлардан эса 3% ушлаб қолيناди. Электр энергия, Интернет ҳамда бошқа хизматлар учун тўлов амалга оширилса микознинг ҳисоб рақамига пуллар тўлик равишда тушади. Бу фойдалар агент учун бериладиган комиссия ҳисобланади.

Устама ҳақ масаласида эса агентлар томонидан белгиланган кўра кўпчилик ҳоллари мавжуд. Бундай ҳолатлар РАУНЕТ компанияси ва агент орасида тузилган шартноманинг кўп равишда бузилиши ҳисобланади ва РАУНЕТ компанияси нуфузига зарар етказилади.

Ушбу қоидабузарликка қарши курашиш учун компанияда мониторинг бўлими ташкил қилиниди. Ҳар кун бу бўлим ҳодимлари шаҳар ва вилоятларда текширув ишларини ўтказиладилар. Қоидабузарлик ҳолати аниқланганда агент тизимдан ўчирилади. Бундан ташқари 2008 йил февраль ойидан бундай агентлар учун жарима тўловини ҳам киритдик. Қайта хатоликка йўл қўйган агентлар жарима тўлайдилар.

Шу билан бирга бозор механизмига асосланган чоралар асосий самарани бермоқда. Яъни, шохобчалар сонини кўпайтириш ва рақобат даражасини ошириш орқали ушбу ҳолатларнинг олдини олишига эришилмоқда. Масалан, ҳозирги кунга келиб, рақобат ошиши натижасида агентлар микозларни йўқотмаслик учун шохоба ташқарисига «Устама ҳақи йўқ», «Хизмат ҳақи 0%» каби эътиборларни осиб қўйишмоқда.

Алоҳида таъкидлаб ўтиладигани, ҳозирда РАУНЕТ компанияси алоқаси бўлмаган агентлар бизнинг савдо белгимиз остида иш юритишавтандилар. Бундай шохобчалар биз билан шартнома тузмай туриб, бизнинг савдо белгимизни ташқи реклама воситаларида қўлламоқдалар ва норасмий равишда фаолият қўрсатмоқдалар. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб бошқа тўлов тизимлари — рақобатчиларимиз, бунга қандай йўл қўйишгапти деган савол туғилади?

Албатта, бошқа компания агентлари томонидан қилинаётган қоидабузарликлар РАУНЕТ компанияси нуфузига катта зарар етказмоқда. Бу солом рақобат эмас. Микозлар амалга оширилган тўлов пуллари ҳисобларига тушмаганиги сабабли компаниямизга арз тариқасида мурожаат қилишмоқда, афсуски бундай ҳолатларда тўловлар бизнинг тизимдан ўтмаганиги сабабли микозларга ҳеч қандай ёрдам бера олмаймиз.

— Келгуси режалар ҳақида...

— Шу кунларда «Микоз хонаси» хизмати йўлга қўйилмоқда. Энди микоз РАУНЕТ шохобчаларида тўловни амалга оширишдан сўнг, тўлов ҳақидаги маълумотни ўзи ҳам Интернет тармоқиди РАУНЕТ веб-савҳасига кириб текшириб олиши мумкин. Бунинг учун микоздан тўлов вақтида РАУНЕТ идентификацион картасидан фойдаланиш талаб этилади. Ушбу идентификацион карта РАУНЕТ шохобчаларида бепул тарқатилиб, микозни РАУНЕТ тизимида аниқлаб олиш учун ишлатилади. Шу турдаги ва шунга ўхшаш бошқа қўлайликларни яратиш режа қилинмоқда.

Бундан ташқари, бошқа хизмат турлари учун тўлов қабул қилиш ва республикамизнинг барча ҳудудларида РАУНЕТ шохобчаларининг сонини кўпайтириш асосий мақсад бўлиб қолмоқда.

Пётр ТЕН, компаниянинг жамоатчилик билан алоқа боғлаш бўйича мутахассиси.

“ВАЗ-ЛАДА” АВТОСАЛОНИДА

СИЗНИ МУТЛАҚО ЯНГИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КУТМОҚДА

Махсулот сертификатланган

ВАЗ-2107
двигатель инжектор
Кафолат муҳлати - 2 йил
(35.000 км)

ЛАДА-КАЛИНА
Двигатель инжектор
Кафолат муҳлати - 3 йил
(50.000 км)

ВАЗ-21041
Двигатель инжектор
Кафолат муҳлати - 1 йил
(20.000 км)

Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Ипак йўли» кўчаси, 299-уй.
Тел.: 300-59-44, 266-59-44
266-59-45

ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ

со склада в Ташкенте:

СЕЛЬХОЗШИНЫ

Voltyre

- 15,5-38 (Ф-2АД нс8),
- 9,00-16 (Я-32АА нс10),

а также любые другие модели под заказ.

Адрес: г. Ташкент, Ц-5/65.
Тел./факс: 140-02-70, 140-02-71.
E-mail: euroaz@mail.ru

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

Ташкилотлар ва хўқусий тадбиркорлар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ

қуйидаги маркадаги оргтехникаларни харид қилиш мақсадиди танлов эълон қилади:

ЛОТ № 1 60 та компьютер Intel Pentium Dual Core (E2140) 1.6 GHz / MB 1945 / 512 MB DDR2 / 160 GB HDD / DVD-RW / Video, Audio&LAN onboard / Mouse optic scroll / Keyboard / Monitor 17" CRT LG Кафолати — 2 йил.	
ЛОТ № 2 7 та компьютер Intel Pentium Dual Core (E2180) 2.0 GHz / MB 1965 / 1 GB DDR2 / 160 GB HDD / DVD-RW / Video, Audio&LAN onboard / Mouse optic scroll / Keyboard Кафолати — 2 йил.	
ЛОТ № 3 15 та монитор Monitor 17" LCD LG 2000;1 Кафолати — 2 йил.	
ЛОТ № 4 28 та принтер Сапоп 3228 (3 таси биттада) Кафолати — 2 йил.	
ЛОТ № 5 2 та сервер Сервер (FUJITSU-SIEMENS, HP, Dell, IBM) S2 dual socket tower server PY ECO200S2A / 2xXeon 5050 dual-core 3.0GHz 64-bit 2x2M SLC 667MHz FSB / 2x1GB ECC / 2x250GB SATA 3.5" 7.2K rpm non-hot plug / DVD-RW DL / DVD-RAM / FDD/mouse/ keyboard / Mon 17" LG CRT Кафолати — 3 йил.	
ЛОТ № 6 2 та ноутбук Ноутбук (FUJITSU-SIEMENS, Sony, Toshiba, HP, Dell, Acer, IBM) Core 2 Duo 2.0 GHz Хотираси — Каттик диск — Оптик привод — Экранининг диагонали — График адаптери — Тармоқ адаптери — Алоқа қўрилмаси — WEB камера — Кафолати —	

Танловда иштирок этишни хоҳлаганлар таклиф ва нарх варақаларини конвертда муҳрланган ҳолда қуйидаги манзилга юборишлари сўраймиз: Тошкент ш., Навоий к., 18-«А» уй, 100011. Телефонлар: 139-83-42, 139-40-30.

Танлов шартлари — жорий йилнинг 31 март куни соат 18.00 гача.

«Дойче Кабель АГ Ташкент» ОАЖ КК

Кенг ассортиментда кабель-ўтказкич махсулотлари ва пўлат симдан тайёрланган буюмлар

Турли диаметрдаги пўлат симларни тайёрлаймиз.

Чегирмалар тизими мавжуд

Батафсил маълумот олиш учун сайтими: www.dkg-ag.de

- пўлат сим
- пахта тойини ўраб боғлаш учун сим (пояс)
- тиканли сим
- «Егоза» сими
- пайвандлаш сими
- темир-бетон конструкциялар учун сим (ВР-1, ВР-2)
- мис тилмлар (шины)
- арматура
- михлар

Ўзбекистон, Тошкент ш., 100058, Ж. Обидова к., 276-уй.
Тел./факс: (+ 998 71) 150-21-25
248-36-30, 248-81-89,
248-81-91, 248-20-63.
Уяли тел.: 172-00-19, 388-86-06.
E-mail: info@dkg-ag.de, export@dkg-ag.de

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Кабель махсулотларини ўраш учун металл ва ёрқон тайёрланган катта галтаклар (баробани)ни сотиб оламиз, Буюртма бўйича тайёрлаймиз.

«РК TREXGORKA» ЁАЖ

Ўзи ишлаб чиқарган том копламаларини (рубероидни) сотади.

Ўз махсулотидан томларни юмшоқ коплама билан коплайди ва таъмирлайди.

Қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

Махсулот сертификатланган
NSS UZ. 01.143.0513752

245-10-32, 245-11-72, 245-11-82

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ректорати, жамоат ташкилотлари «Чолу жамоаларига раҳбарлик» кафедраси катта ўқитувчиси Адиба Юсуповага онаси

Шарофат яя ТОЛИПОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон-Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банки жамоаси банкнинг Қибрай филиали бошқарувчиси Вазира Каримбердиевага турмуш ўртоғи Фатҳулла АБДУҚОСИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МАДАНИЯТ

хабарлари

Пойтахтимиздаги "Киночилар уйи"да ўзбек киноси ҳафталиги бўлиб ўтмоқда. Мазкур ҳафталик ўзбек фильмлари ижодий анжумани олдида ташкил этилди. Тадбир "Ўзбекино" Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси ҳамкорлигида уюштирилди.

Миллий кинофильмлар ҳафталиги

Ҳафта давомида 2007 йили давлат буюртмаси асосида суратга олинган фильмлар намойиш этилади.

Анжуманга "Ўтов" (А. Шаҳобиддинов), "Чавандоз" (Х. Ҳасанов), "Афюн гирдоб" (Д. Абдуллаев), "Забаржад" (Б. Одилов), "Ҷафат галаба" (Х. Насимов), "Сирли сиртмоқ" (М. Абзалов) сингари фильмлар ҳамда мультфильмлар тўплами тақдим этилган.

Ижодий анжуманда кинотанқидчилар, санъат усталари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, Санъат институтида таҳсил олаётган талабалар иштироки ҳамда яратилган фильмлар борасида қизгин баҳс-мунозара ва давра суҳбатлари ўтказилиши кутилмоқда.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Истеъдодлар танлови

Жиззах санъат коллежида ҳаваскорлик тизимидаги миллий эстрада кўшиқлари ижрочиларининг «Истеъдод-2008» вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда шаҳар-туман босқичларида голиб чиққан 60 нафардан зиёд хонанда қатнашди.

Шартга кўра, ижрочилар ўз айтимлари билан бирга Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ижодига мансуб кўшиқлардан бирини ҳам ижро этдилар. Шунингдек, уларнинг маҳоратлари «Маҳаллий бастакорлар асарларининг энг моҳир ижрочиси», «Ватан ҳақидаги энг яхши кўшиқ», «Ешликни мадҳ этувчи кўшиқ» номинациялари бўйича ҳам баҳоланди. Голиблик галлаороллик Мирзохид Саъдуллаев ҳамда Мирзачўл туманидан Фотима Қиржигитоваларга насиб этди. Энди улар танловнинг республика босқичида қатнашади.

Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Вилоят жамоаси шаклланимоқда

Хабарингиз бор, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинларига жорий йил Қорақалпоғистон Республикаси мезбонлик қилади.

Сурхондарё вилояти ёшлари ҳам мазкур мусобақаларда совринли ўринларни эгаллашни мақсад қилишган. Вилоятда уюштирилган "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинларининг кўйи босқичларида мавжуд 79 та ўқув муассасасидан 48 минг нафардан зиёд ўқувчи иштирок этди. Кунга кеча қўл тўли, теннис, бокс, белбоғли кураш ҳамда сузиш бўйича вилоят босқичи беллашувлари бўлиб ўтди. Умуман, "Баркамол авлод — 2008" дастуридаги 15 спорт тури бўйича голиблар аниқланиб, вилоят терма жамоаси шакллантирилмоқда.

А. ҚОДИРОВ.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Европа яшил майдонларида УЕФА Чорак финалчилар аниқланди

Ушбу йилнинг немчорак финал жавоб учрашувларига старт берилди. Хозирча, икки учрашув натижасига кўра, "Зенит" (Россия), "Бавария", "Байер" (Германия), ПСВ (Голландия), "Фиорентина" (Италия), "Хетафе" (Испания) жамоалари чорак финал йўлланмасини қўлга киритиб улгуришди.

"Вердер" (Германия) — "Рейнджерс" (Шотландия), "Спортинг" (Португалия) — "Болтон" (Англия) учрашувлари кеча бўлиб ўтди.

Чангичиларимиз муваффақияти

Тог чангиси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Эронда ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этди.



Мазкур беллашувда мезбонлардан ташқари Болгария, Ҳиндистон, Покистон, Тожикистон, Арманистон ва Ўзбекистондан келган жами 66 нафар спортчи медаллар учун кураш олиб борди. Аҳамиятлиси,

мусобақа якунида юртдошларимиз умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўриндан жой олишди. Биринчи ўрин Болгария, иккинчи ўрин эса Эрон чангичиларига насиб этди. Шахсий биринчиликда вакила-

римиздан Олег Шамаев ва Ноил Ширяздановлар яхши кўрсаткичга эришдилар. Энди чангичиларимиз Туркия ва Арманистонда бўлиб ўтадиган халқаро турнирларда ўз омадларини синаб кўрадилар.



"Бавария" ва Германия терма жамоаси дарвозабони Оливер Кан катта футболдан кетишга қарор қилди.

Кан футбол билан хайрлашмоқда

Дунёнинг етакчи дарвозабонларидан саналган Каннинг хайрлашуви учрашуви Германия футбол уюшмаси томонидан жорий йилнинг 2 сентябрь кунга ўтказилиши режалаштирилмоқда. Шу кунга Мюнхендаги марказий стадионда "Бавария" ва Германия терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтади.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Успех — дело техники!

FUJITSU COMPUTERS SIEMENS

NURON

«Всемирная гарантия до 3-х лет»

Адрес: ул. Пискунова, 2
Тел. (+99871) 294-60-60
E-mail: sales@nuron.uz
www.nuron.uz

Сделано в Германии

Серверы и компьютеры для решения любых задач, а также широкий выбор ноутбуков от бюджетных до ЭЛИТНЫХ!

Российский
Обои линолеум
виниловые

тел. 234-48-11
факс 234-49-58

Форма оплаты — любая

Товар сертифицирован

«Тошкент универмаги» супермаркет ОАСИЧЖ жамоаси

Ўзбекистон халқини яшарини ва янгилашни байрами

Наврўзи олам

ҳамда ободлик ва гўзаллик фасли баҳор билан самимий табриклайди!

Тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонларини байрам совғалари ва баҳор-ёз мавсумига мўлжалланган товарларни харид қилишга таклиф этади.

Универмаг ходимлари сиз азиз харидорларга савдо хизмати кўрсатишдан беҳад мамнун.

«Тошкент универмаги»га марҳамат.

Манзил: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 17-уй.
Мўлжал — Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонуғчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 44003 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғиев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болшев.
Навбатчи — М. Оқунова.
Мусахҳах — Ҳ. Тошқужаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Тошпирлиди — 23.20 1 2 3 4 5 6 7